

*Аёл борки, олам мунаввар*

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси**

**НИШОНДОРЛАРИМИЗ**

**Савоб ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак, деган пурҳикмат сўзларни дилига жо қилган Тошкент шаҳар «Гулнора она» оила марказининг раиси, шунингдек республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиева эзгу ишларга бош бўлиб келаётган шижоатли, фидойи аёлларимиздандир. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан унинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Гулнора Йўлчиевага оила марказининг «онаси», «Маҳалла» жамғармасининг «опаси» деб бежиз ном беришмаган. Чунки у оилалар, маҳаллалар дардига малҳам бўлишдек улуғ ва савоб ишларга камарбасталик қилмоқда.**

## «Гулнора она» саховати

**— Гулнора Деҳқоновна, айтингчи «Гулнора она» оила марказининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?**

— Халқимизда оилаларга, хотин-қизларга бўлган эътибор йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса ушбу Оналар ва болалар йили хайрли, самарали ва ютуқларга бой йил бўлди. Оила— муқаддас қўрғон. Ана шу қўрғоннинг маликаси, бекаси бўлмиш аёллар, қизларнинг ҳаётда ҳар томонлама билимли, ҳунарли бўлишлари муҳим аҳамият касб этади, албатта.

1998 йил Мирзо Улуғбек туманида ташкил топган «Гулнора она» оила марказининг асосий мақсади ҳам ана шу масалаларга қаратилган. Марказнинг мақсади нафақат қизларни оилага, турмушга тайёрлаш, балки кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, етимларга бепул касб-ҳунар ўргатишдан иборат. Бу ерда тикиш-бичиш, қандолатчилик, ҳамширалик, сартарошлик, компьютер бўйича уч ойлик курслар ташкил қилинган. Марказимизга ҳунар ўрганиш учун келаётган ёшлар сони тобора ошиб бормоқда. Бу ерда оилалар, ота-оналар, маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айниқса балоғат ёшига етган қизларни турмушга, оила бекалигига тайёрлашда олиб бораётган ишларимиз, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган турли давра суҳбатлари, учрашувлар, конференциялар яхши самаралар бермоқда.

Яқинда марказимизда республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда «Ота-оналар дорилфунунлари» учун 32 соатлик махсус курс дастури ишлаб чиқилди.



Айни кунларда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда марказнинг шаҳар туманларидаги бўлимлари очилди. Ушбу туманларда очилган оила маркази ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ўрганиш, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга кўмаклашиш, ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш бўйича иш олиб боришдан иборат. Ҳозирда марказимизга нафақат қиз болалар, балки ўғил болаларни ҳам жалб қилиш ниятидамиз. Ана шу мақсад ва ниятларимиз амалга ошса ҳақиқий мустаҳкам оилани шакллантиришга кўмаклашган бўлур эдик. Зеро, Ватанимиз равнақи, фаровонлиги, оилалар тотувлиги, тинчлиги билан баркамолдир.

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.**

**НАЗМ**

## СЕНГА

*Сен учун керакмас ҳеч қандай рўё*
*Менсиз ҳатто сенга тор бўлар дунё*
*Юрагинг суғуриб берарсан гўё*
*Лек сен ҳам қалбимнинг мулки бўлиб қол.*

*Ҳа, қалбинг мулкига айланганим рост*
*Юрагинг тубида очилдим қийғос*
*Фақат сендан сўргим, сендан илтимос*
*Сен ҳам менинг қалбим мулки бўлиб қол.*

*Бахтлисан, чеҳрангда қуёш нафаси*
*Кимларнидир бизга келар ҳаваси*
*Тингла юрагимнинг беозор сасин*
*Сен ҳам менинг қалбим мулки бўлиб қол.*

*Балки кулгилидир бу ажиб сўзлар*
*Унсиз термулади сенга бу кўзлар*
*Менга таниш фақат ягона сўзлар*
*Фақат сен қалбимнинг мулки бўлиб қол.*

**Ойдин ДИЛМУРОД қизи.**

## СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

***Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув ҳақида маълумот берсангиз.***
***Х.Собиров, О.Собирова.***
***Миробод тумани.***

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бирйўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг турминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

**(Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидан).**

**МУЛОҲАЗА**

# Шуъладай меҳр керак

Она ва қиз. Улар бир-бирларига жон риштaлари билан боғланади. Юз-кўзлари, ҳатто, овозлари ўхшайди. Бир қарашда улар орасидаги муносабатда мутлақо тушунарсиз ҳолат йўқдай. Аммо доим шундаймикин?

...Рўпарамдаги аёл асабийлашганидан овози титрайди, қовоқлари учади.

— Аввалги келганимда ҳам айтгандим сизга қизим эсликкина эди, мактабда ўқиганида синф раҳбаридан бир оғиз ҳам ёмон гап эшитмаганман у ҳақда. Ҳаммасига ўша Қумри айбдор...

...Ростдан ҳам, меҳнаткашлиги шундоққина қиёфасидан кўриниб турган бу аёл — онанинг бошига тушган кўргуликда унинг айби йўқдай. Эри вафот этиб кетган, қизи, ўғлининг кўнгли яримлигини билдирмай, ўкситмай деб тиним билмаса... Қизи енгилтак аёллар даврасига аралашиб қолибди, сезмабди, яқинда бир қўшнисидан эшитиб, бошига қайноқ сув қуйилгандай бўлибди, қизини уйига қамаб...

— У энди бола эмас экан, ур-сўк билан эплай олмайман, бунга ишондим. Менга ёрдам беринг, гангиб қолдим, — деганди она олдинги келганида.

...Қизи билан учрашдим. Чиройликкина қиз. Енгилгина пардоз остида ғалати бир маъюслик, мунгни ҳис этдим.

— Мактабдошимни ёқтириб қолгандим. Бадавлат оиланинг боласи. Институтга кирган. Мен 9-синфни битириб, лицейга киролмадим. Мактабга ҳам қайтмадим. Синфдошларим устимдан кулади, деб қўрқдим. Биласизми, мен ўқишга кириб, яхши кийиниб, яхши пул топиб, ўша йигитга тенглашмоқчи эдим... Бирдан орзум сингандай бўлди... Ўша кунлари оиммнинг бир оғиз ширин сўзига зор бўлдим. Ойим эса ишдан келиб: «Гули, укангга овқат бердингми? Кўйлагининг ёқасини ювиб қўйдингми, овқатинг тайёрми?» дердилар, холос. Овқатланибоқ ётардилар. Ёнларига ўтирардим, сочларимни силасалар, кучиб: «Болам, ҳаммаси яхши бўлади, ҳали ўқишларга кирасан» деб таскин берсалар, дердим. Йўқ, нуқул «Унинг кам, унингни олишим керак, бунинг кам, қарз қилиб олдим, тўлашим керак», дердилар, хафа бўлардим, юрагим тарс ёрилай дерди.

...Гули шундай кайфиятда юрганда дўконда Қумри исмли аёлга дуч келади. Қумри пианино чалишни ўргатаман, ресторанларда чаласан, зўр пул топасан, деб уйига олиб боради. Ўргатди. Уникига қизлар йиғилади. Гули улар даврасида кўнглидаги ўксиликни унута бошлайди, ичишни, чекишни ўрганади.

— Бу ҳаёт, ҳам сиз орзу қилган ҳаёт эмас. Бахт йўқ бу йўлнинг охирида, буни билсангиз керак, — дейман қизга.

—...Биламан, аммо уйимиздаги ҳаётни ҳам истамайман, ёлман-ку, ахир. Менга ҳам меҳр керак...

— Меҳр кўрсатган одамга меҳр қайтади...

Гули билан узоқ суҳбатлашаман, юракдан, у ниманидир англагандай бўлади, яна келаман, дейди.

Ҳозир унинг онасига қизи билан ўша орамизда бўлиб ўтган суҳбатни гапириб бераман. Она йиғлайди, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлайди. Тасалли бермайман, тўкилиб олсин, дейман.

...Бу ёғи нима бўлади?

Мендан ҳам, сиздан ҳам аввал бу саволга она ва қизнинг ўзлари жавоб топишлари керак. Ахир, дунёда улардан кўра бирбирига яқинроқ жон йўқ-ку! Биз эса... ёнимизда бўйи чўзилиб келаётган қизимизнинг кўзига, кўнглига қарайлик. Уларнинг кўнглида нима бор, биздан бир тола шуъладай меҳр керакмасми уларга? Оналик меҳри фақат еб-ичириш, кийдириш деб янглишмаяпмизми?

**ҚУТЛИБЕКА**

## Қўлларингиз зебо бўлсин

Кўча-кўйда, транспортларда эндигина балоғат ёшига қадам қўяётган ёш-ёш қизларнинг тирноқлари узун-узун қилиб ўстириб, қорамтир, жигарранг, кўк-сиёҳранглар бўяб олганларини кўрганимда очиғи кишининг ғашига тегади. Албатта, тирноқларни ўз вақтида олмай ўстириб юриш аввало гигиенага тўғри келмайди, айниқса қиз бола уй юмушларини бажараётганда кир ювишга қийналади, овқат пишираётганда масаллиқларни меъёрига етказиб тайёрлай олмайди. Хуллас бажараётган иши унмайди. Нима учун ҳозирги пайтда баъзи мактаб ёшидаги қизлар ҳам тирноқ ўстиришни урф қилиб олишган. Турли хориж фильмларида ёшларнинг ҳаётини бўрттириб кўрсатилаётгани сабабми ёки бўлмаса хорижий журналлардаги машҳур киноюлдузлару қўшиқчиларга тақлид қилишми бу?

Навоий, Лутфий ғазалларида таърифланган санамлар ҳам қўлларига, тирноқларига хушбўй, нафис рангдаги хинoларни суртишган, бироқ тирноқларини бу даражада асло ўстиришмаган. Майли, замонамиз аёллари ҳам тирноқларини пушти, алвон, нафис рангларга бўясинлар, лекин қошиқдек-қошиқдек ўстириб олиш шартмикан?

Азиз қизларжон, агар тирноқларим узунлиги ва кўзга тез ташланувчи ранглари билан ажралиб турса йигитларнинг эътиборини тортаман деб ўйлаётган бўлсангиз қаттиқ янглишасиз. Мабодо йигитлар тирноқларингизга ҳавас қилиб сизга уйлангудек бўлсалар, тўйдан кейин келинлик вазифасини бажараман деб «зўр» тирноқларингиздан айрилиб қолишингиз шубҳасиз. Шунда куёв боланинг кўзи кемтик-кемтик бўлиб синиб тушган, чала бўялган тирноқларингизга тушса таъби хира тортмасмикан?

Бўлғуси турмуш ўртоғингизга, янги кириб борадиган оила аъзоларингизнинг кўзига ҳақиқий зебо, истарали, ибоҳаёли бўлиб кўринишни истасангиз, асло тирноқларингизни ўстирманг. Қўлларингизнинг нафислиги, гўзаллиги меҳнатда чиниққан бармоқларингизнинг озодалигидадир.

**Раъно МАҲМУДОВА**

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

НОДИР

# ЕТТИНЧИ ГУЛШАН

(Охири).

У Масъудни ўлдирмоқ фикрига тушиб, дарҳол корхонага бориб, қулларга амр қилди; агар саҳар пайти кимки келиб, устанинг фикрини билдингизми, унинг ҳукмини бажардингизми? — деб сўраса, сизлар дарҳол у кишини тутиб оловга ташланг! Бу фармойишни бериб уста уйига қайтиб келди. Хотин эса эрининг буйруғидан қувонди. Уста Масъудни чақириб деди: эрта саҳар пайтида корхонага бориб, баланд овоз билан қулларга «устанинг ҳукмини бажаринг!» — деб, менинг амримни етказ! Масъуд устанинг фармойишини жон дили билан қабул қилиб, саҳаргача фароғатда дам олиб, саҳар пайтида корхона томонга юрди. Йўлда гуруҳ-гуруҳ одамлар масжид томон ошиқардилар. Масъуд уларни кўргач, ўз-ўзига деди: насиҳатдан бири агарчи худою банда амри бир вақтга тўғри келса, аввал тангри амрини бажо келтир дейилган эди. Бинобарин, аввал тангрининг амрини бажо келтирай — деб, масжидга кириб ибодатга машғул бўлди.

Устанинг хотини ўша кечаси Масъудни ўйлаб тўлғаниб, ўзининг қилган афсунидан пушаймон бўлди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, саҳар пайтида бошига чодрани ташлаб корхона томон югурди ва зудлик билан дўкон ичига кириб қулларга қараб, бу ерга келган кишини билдингизми, устанинг ҳукмини бажардингизми? — деб сўради. Шу заҳоти қуллар келиб хотинни кўтариб ёниб турган ўчоққа тиқдилар.

Масъуд ибодатдан фориғ бўлиб, шитоб билан корхонага бориб, баланд овоз билан эй ходимлар, устанинг фармойишини бажо келтирдингизларми? — деди. Устанинг неъматини кўп еганмиз, биноан алайҳи унинг хизматини жойига қўйиб бажардик — дедилар қуллар. Масъуд ходимлардан хурсанд бўлиб, қайтишга мойил бўлди. Аммо бу ерда бўлиб ўтган шевалардан мутлақо бехабар эди. Қуёш чиққач Масъуд устанинг ҳузурига кириб борди. Уста Масъудни соғ-саломат кўриб, димоғига ўт туташди ва Масъудга қараб, қулларга менинг буйруғимни айтдингми? — деди. Масъуд деди, эй устойи комил, барча буйруқларинг ул ерда ҳосил бўлибдур. Йўл узра бир масжидга кириб, амри ҳаққа мойил бўлиб, сўнгра корхонага бориб, сенинг ҳукмингни қуллардан сўрадим. Қуллар сенинг ҳурматингни қилиб, буюрган амрингни бажо келтирибдилар — деди Масъуд.

Уста бу сўзларни эшитиб бир оз ваҳимага тушди ва бу кирдикорларнинг барчаси хотинининг найранги эканига фаҳми етди. Уста Масъудга боқиб деди: эй саодатманд жавон, қайси яхшиликни ўзингга пеша қилгансан? Қандай яхши аъмолларинг (ишларинг) бор! Масъуд деди: эй саховат аҳлининг шоҳи, менинг аҳволимдан бўлгин огоҳ! Менинг асл ватаним Бағдоддир. Отам кўп давлатманд кишидур, мен унинг нури дийдаси эрдим. Мен бир қариядан учта насиҳатни уч минг ашрафийга сотиб олган эдим. Бу насиҳатлар диний-дунёвий ишларга тааллуқлидир. Мен ушбу насиҳатларни амалда синаб кўрмоққа жазм қилиб, бу томонларга сафар қилдим. Насиҳатнинг биридан кўп фойда кўрдим. Аммо қолган икки насиҳатдан шу кунгача асар бўлмади. — У икки насиҳат нимадан баҳс этади, баён айла! — деди уста. — Унинг биттаси туз ҳаққини сақламоқлик, валинеъматнинг ҳурматини жойига қўймоқлик. Иккинчиси дину дунё иши бир вақтга тўғри келиб қолса, ҳеч нарсани ўйламасдан, аввал тангрига ибодатни қилса, икки олам узра бахту иқболга мушарраф бўлур деб таъкидлаган эди, ўша қария — деди Масъуд. Бу сўзни эшитган уста йигитга сидқидилдан мойил бўлди. — Эй ихлосу эътиқод мухлиси, сенга доим бахт-саодат ёрдир. Бу икки насиҳатнинг асари бугун маълум ва равшандир. Зеро, мазкур насиҳатнинг ҳаёни, сенга тикилиб келган ажалга қалқон бўлди — деб, хотинининг Масъуд ҳаққига қилган кирдикорларини бир-бир баён қилди. Уста дарҳол ўзининг мол-мулки, асбоб-ускунасини йигитга топшириб, исмат пардасида ўтирган қизини унинг никоҳига киритди. Ўзи эса узлатга (тарки дунё) чекиниб, ибодатхонага кирганича қайтиб чиқмади. Шундан сўнг тириклайин унинг юзини ҳеч ким кўрмади.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

# Сўранг, жавоб берамиз

*Тиббий комиссия хулосасига кўра доимий парваришга муҳтож бўлган онамга нисбатан ҳомийлик қилсам бўладими?*

*М.Шарипова*

Оила кодексининг 176-моддаси 3-қисмига биноан соғлигининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

Бунинг учун онангиз туман ҳокимлигига (турар жой) ҳомийлик белгиланиши ҳақида ариза ёзишлари керак. Сиз васийлик ва ҳомийлик органларига ҳомий бўлишга рози эканлигингиз ҳақида ариза ёзишингиз керак.

Ҳомийликни белгилаш учун сиз туман ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак.

1) ариза (исми шарифингиз, манзилингиз, болаларингиз ҳақида маълумот, ҳомийлик ўрнатилган шахснинг исми-шарифи, ёши, шунингдек, ҳомийлик тайинлаш асослари кўрсатилиши керак);

2) маошингиз ҳақида иш жойидан маълумот;

3) иш жойидан ёки яшаш жойидан тавсифнома;

4) ҳомийлик қилмоқчи бўлган шахснинг соғлиги ҳақида тиббий-консультатив комиссиянинг хулосаси, руҳий касалликлар, наркологик ва тери диспансерларидан маълумотномалар (рўйхатда турмаганлиги ҳақида)ни топширсангиз онангиз ариза берган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай сиз ҳомий этиб тайинланишингиз мумкин.

Бунда онангизнинг ҳуқуқлари ҳомий сифатида сизга ўтади ва унинг номидан иш кўришингиз мумкин.

* * *

*Ўғлим ҳозир 12 ёшда. Унга буваси, яъни менинг отам ўзларига тегишли уй-жойни ҳадя қилиб ўтказиб бераман деяптилар. Уй-жойнинг ҳадя шартномасига ўғлим ҳам имзо қўйиши керакми?*

*М.Исломов*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 79-моддасига биноан ўн тўрт ёшга тўлмаган, вояга етмаганлар учун битимларни, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

* * *

*Қўшнимизнинг ҳеч кими йўқ, у якка ўзи бир хонали квартирада турар эди. Квартира ўзининг номида бўлиб, яқинда қўшнимиз вафот этди. У кишининг хонадонига энди ким эгалик қилади?*

*Ж.Розиқов*

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси мероссдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз ҳисобланади.

Эгасиз мол-мулк у яшаган жойдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда у давлат ихтиёрига ўтади.

* * *

*Болаликдан иккинчи гуруҳ ногиронимая. Мутахассислигим муҳандис. Маълумотим олий. Бундан ташқари телевизор-радио тузатиш қўлимдан келади. Аммо иш топиш мен учун қийин кечмоқда. Иш топиш учун қаерга мурожаат қилишим мумкин?*

*М.Шаропов.*

Иш топиш учун сиз ўзингиз яшаётган тумандаги Меҳнат бўлимига мурожаат қилишингиз лозим. У ерда сиз малакали мутахассислар ёрдамида ўзингизга мос иш топасиз ва сизга ўхшаган фуқаролар учун давлатимиз томонидан яна қандай имтиёзлар яратиб берилганидан хабардор бўласиз.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**



Рақс оламига йўл.

**Ҳозирги пайтда узоқ яшайдиган одамни дунёнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. 122 ёшида оламни тарк этган француз аёл Жанна Кальман узоқ яшовчилар сафидан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Чунки Жанна ёшини тасдиқлайдиган ҳужжатга эга.**

# Бу ажиб дунё

## 100 ёшида гўзаллик танловида қатнашган аёл

Ундан кейин Гиннеснинг рекордлар китобини янгилайдиган яккаю ягона умидвор Бразилия фуқароси Мария Жиронимонинг туғилганлик ҳақидаги ҳужжати бўлмагани сабабли гиннесчилар уни ҳисобга олишмаган. Мариянинг ватандошлари унинг 1871 йили туғилгани, хозир 127 ёшда эканлигини исботлашга уринишмоқда.

Сайёрамиздаги узоқ яшовчи — 1880 йили Канадада туғилган Мария Луиза Мельни исмли аёл. Унинг 12 фарзандидан тарқалган 85 набираси, 80 эвара, 57 чевара ва 4 дувара бор. Шунингдек, оламдаги энг кекса одам мисрлик балиқчи Атва Муссанинг 150 ёшини тасдиқлайдиган ҳужжати йўқлиги сабабли бу маълумотлар ҳам рекордлар китобида қайд этилмаган.

Демографларнинг тахминларига кўра, ўн йиллардан кейин оламда 75 ёшлилар 6 фоизга ошар экан. Ҳозир Москвада юздан ошиқ 104 ёшли ҳамда бир асрга яқин ҳаёт кечирган 143 қария истиқомат қилишади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида энг узоқ яшовчилар макони кавказликлар хисобланади. Баъзилар бу ерда яшовчи халқларнинг узоқ яшаш сирини тоза тоғ ҳавоси ва узум шаробини кўп истеъмол қилишига йўйишади. Ичимлик ичган одамнинг соғлиғига шаробнинг фойдаси узоқ яшашига кафиллик бермаслигини тиббиёт инкор этади. Шундай бўлса ҳам узоқ яшовчилардан Мария Луиза 90 ёшга келгунга қадар чилим чеккан. 1980 йили 120 ёшда вафот этган япониялик Сигечито Идзуми ҳаёти давомида ҳар куни арoқ ичиб, чекишни канда қилмаган экан.

Узоқ яшовчилар орасида эгизакларнинг бўлиши ҳам кишини ажаблантиради. АҚШнинг Виргиния штатида 1803 йили туғилган эгизаклар Эли Шадрак ва Жон Мешак Фипстер. Иккиси ҳам 108 ёшида бирин-кетин вафот этишган. Япониялик 105 ёшли ака-ука эгизаклар яқингинада туғилган кунларини нишонлаб, қадаҳ кўтаришган. Кавказлик 101 ёшли Сония Копиашвили ўтган йили гўзаллик танловида қатнашиб, қўшиқ айтган.

Хулоса. Одамни Оллоҳ яратган. Кимнинг қанча яшашини Оллоҳ билади. Бироқ, иймонли, ўзи пок, дили пок, бировларга озор бермайдиган одамларни Оллоҳ паноҳида асрашига шак-шубҳа йўқ.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ

# КУЛГИ БЕКАТИ



*Йигит ва қиз унаштирилгандан кейин орадан йиллар ўтди. Ниҳоят, бир куни қиз юрак ютиб, йигитдан сўради:*

*— Оила қуришни ўйласак бўлармиди?*

*— Фурсат ўтди. Қариб қолдик. Бизга ким ҳам тегарди?*

* * *

*— Биласизми, — деб танбеҳ берибди бошлиқ ялқов ходимига, — ҳали меҳнатдан ҳеч ким ўлган эмас.*

*— Биламан, лекин таваккалга не ҳожат! Мен биринчи қурбон бўлишни истамайман.*

* * *

*Бармен полициячига шикоят қилади:*

*— Манави аблаҳ текинга ичимлик беришимни талаб қиляпти. Олиб кетинг уни участкага!*

*— Нега энди? Бизнинг участкамизда ҳам ичимлик бепул берилмайди.*

* * *

*Кечаси полиция бошлиғининг телефони жиринглади, дастакда кимдир қичқирарди:*

*— Илтимос, ўтинаман, дарҳол етиб келинг! Хонада мушук юрибди.*

*— Эсингиз жойидами? — деб қичқирди бошлиқ. — Арзимаган гап учун қўнғироқ қилгани нечук журъат этдингиз! Ким бу гапираётган?*

*— Тўтиқуш...*

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Донишманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади-қўяди. Нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду ичи бўм-бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради, телба одам эса кўп гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида: телбада бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

● Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар.

● Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалбга наштардек санчилади.

● Инсон учун ўз ҳунари, меҳнати маҳсулидан бошқа қувонадиган, фахрланадиган нарса йўқ. Инсон ўз қўл кучи, меҳнати билан ажойиб нарсаларни яратади. Ишламаган танбал одам бенасиблик билан бошқаларга юк бўлади. Қилган ишидан ўзгаларга наф тегмайди. Унга бирор юмуш топширганлар ҳам мамнун бўлмайдилар, уни дуоибад қиладилар. Бири икки бўлмайди, бўлса ҳам ҳузурини тортмайди. Харомнинг, ўғриликнинг охири паришонликдир. Охиратда эса борар ери жаҳаннам оташидир.

Ҳикоят: бир куни пашша асаларига жаҳл қилиб бундай деди:

— Сен шундай бир аҳмоқсанки, асал йиғаман деб қирларни, водийларни кезиб овқат тўплайсан. Шунча машаққатинг эвазига йиққан болингнинг ярмини ўзинг еганингда майли эди. Мана мен катта зиёфатларда, ҳаттоки подшоҳ саройида бўламан. Ширин овқат еяман, шарбатлар ичаман, мазза қилиб яшайман, ўзимга қарайман.

Асалари унга шундай деб жавоб берди:

— Ана холос, аслида аҳмоқ сенсан, аммо идрок қилиб тушуна олмайсан. Борган жойларингда одамлар сендан ирганиб, қўлларига нима тушса, ўша нарса билан урадилар, ҳайдайдилар, сендан нафратланадилар. Сенинг фаҳминг етмайди, ўзингга ўхшаган пашшаларнинг мингларча ўлдирилаётганини кўриб турасану мени ҳам бир кун шундай ўлдиришлари мумкин, деган фикр ақлингга келмайди, ибрат олмайсан. Мен қирлар, водийларни кезиб йиққан асалимни ўзим емайман, аммо еганлардан меҳр-муҳаббат, эъзоз, ҳурмат кўраман. Бундан ифтихор этаман, қувонаман.

Байт:

**Оғзига келганин демак нодоннинг иши,**
**Олдига келганни емак ҳайвоннинг иши.**

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир. Кимдаки шу фазилат бор бўлса, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни кўркмай бартараф этиш эмас, балки уни юзмаюз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг, кўп нарсани йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг ҳамма нарсани йўқотасан.

● Эй фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар бир хуш ҳидли гуллар сочади. Мутаккаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади. Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар, жоҳил ва нодонлар адаб ва товозе нуридан маҳрумдирлар.

Ҳикоят: Ҳотамтойнинг жўмардлиги ва яхшилик қилишни суядиган инсон бўлганини ўз замонасида билмаган одам йўқ эди. Бир куни ул зотдан сўрадилар:

— Эй Ҳотам! Ер юзида сендан ҳам жўмард, шарафлироқ, фақир фуқароларнинг эҳтиёжларини қондирган бирор инсонни кўрганмисан ё эшитганинг борми?

Ҳотамтой шундай жавоб берибди:

— Бир куни 40 туя сўйдирдим. Қабилабошидан тортиб ҳаммани таклиф қилдим, ўзим чор атрофни айланиб, яна бирор кимса бормикан деб истадим. Қарасам, тиконларни боғлаб, орқалаб бир чол келмоқда. Унга яқинлашиб:

— Эй ота! Ҳотамтой катта зиёфат бераётганини эшитмадингизми. Туялар сўйиган, ҳолвалар, паловлар тайёрлаган, халқ ҳаммаси Ҳотамтой дастурхони атрофига тўпланган. Сиз нега бормадингиз? — дедим.

Ўтинкаш чол:

— Ўзим орқалаб олиб борган бу тиканак ўтинларни сотиб, овқат оламан. Бу овқат мен учун Ҳотамтой берган зиёфатдан лаззатлироқ, — деб жавоб берди.

Мана шу чолни Ҳотамтойдан ҳам жўмард ва шарафлироқ билдим, у чолнинг қадрини ўзимдан баландроқ кўрдим, — деди Ҳотамтой.

ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

# Болажонлар учун саҳна асари

Республика Ёшлар театрида ўрта ва кичик ёшдаги болалар учун эртаклар оламига саёҳат қилган ҳолда «Ҳазрати олийларининг қўриқчиси» номли бир пардали қувноқ спектакль саҳналаштирилди. Ариадна Васильева пьесаси асосида мазкур қувноқ спектаклни ўзининг бутун режиссёрлик фаолиятини болаларга бағишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Георгий Мустафин саҳнага олиб чиқди.

— Болалар учун мусиқа ва рақсларга бой қувноқ спектакль яратишга ҳаракат қилдик, — дейди Г.Мустафин. — Унда она Ватандан қадрли гўша йўқлиги тараннум этилади. Спектаклда маликани зимдан севувчи аскар хориждан келган шаҳзодалардан устун келган ҳолда ёвузлик устидан ғалаба қозониб охир-оқибатда ўз мақсадига эришади. Балетмейстер Малика Искандарова, мусаввир Гуля Қурбонова, (машҳур рассом Георгий Брим шогирди)лар ўз самарали изланишлари билан янги спектаклнинг муваффақиятини таъминлашди.

ЭРТАГА

янги спектаклнинг премьераси бўлади. Ёшлар театрининг доимий анъанасига мувофиқ янги спектаклнинг илк томошабинлари — шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари бўлади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «Б» ҳарфли бошқотирма

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Тантанали кун. 2. Уй-рўзғор буюми. 3. Жиззах вилоятидаги туман. 4. Саҳролардаги қум тепа. 5. Данаги олиб қуритилган мева. 6. Дунёда энг чуқур ва 336 ирмоқ қуйиладиган кўл. 7. Бир йиллик ўт ўсимлик. 8. Қарчиғайсимон йиртқич қуш. 9. Ўзбек халқ мақоми. 10. Сайроқи қуш. 11. Қамишсимон баланд бўйли жануб ўсимлиги. 12. Қозоғистондаги кўл. 13. Дунёда энг умрибоқий ва танаси катта жануб дарахти. 14. Инглиз физик олими. 15. «Одам амфибия» асари муаллифи. 16. Ҳиндистондаги шаҳар. 17. Мумтоз мусаввир, миниатюра санъати устози. 18. Пахта териш машинаси қисми. 19. Ўзбекистондаги тоғ. 20. Европа жанубидаги ярим орол. 21. Гулзор ва мевазор бунёдкори. 22. Темирчилик асбоби. 23. Жун газлама тури. 24. Заргарлик буюми, тақинчоқ. 25. Давлат рамзларидан бири.

**Муаммонома**

Очқич сўзлар: 1. Узум нави — 15, 16, 6, 1, 9, 10.

2. Осиёнинг жануби-шарқидаги мамлакат — 15, 10, 8, 4, 1.

3. Ғалла экинининг дон бўлиб етилган туп гули — 15, 2, 13, 2, 3.

4. Баланд овоз, кучли товуш — 15, 2, 12, 14.

5. Идора, муассасанинг маълум фаолият билан шуғулланувчи қисми — 15, 11, 5, 10, 4.

6. Табиатшунос география жамияти асосчиларидан бири — 15, 7, 8.

Энди жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштиринг. Сўнг эгри чизиқлар йўналиши бўйича ўқиш билан муаммономани ҳал этинг. Уларда муборак ҳадиси шарифлардан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



## Газетанинг шу йил 14 декабрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

**Айланма бўйича:** 1. Ҳасанова. 2. «Ёрилтош». 3. Ондатра. 4. Қосимов. 5. Нафосат. 6. Шафтоли. 7. Икромов. 8. Йўлбарс.

**Ёйлар бўйича:** 9. Доира. 10. Ровно. 11. Ўрмон. 12. Завод. 13. Елкан. 14. «Милан». 15. Аракс. 16. Тўқай.

**Муаммонома**

Меҳнатдан зўр шодиёна йўқ.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● М. Улуғбек тумани ИИБ ходимлари томонидан ўғирлик жиноятини содир этган О.В. исмли шахс қўлга олинди. У ушбу туманда истиқомат қилувчи фуқаро И.Б. нинг хонадонидан 10000 сўм миқдоридаги пулларни ўғирлаб, қочиб кетишга уринган эди. Тартиб посбонларининг ўз вақтида амалга оширган саъй-ҳаракатлари туфайли унинг бу қабиҳ режаси амалга ошмади.

● Фуқаро Ж. Аҳмедовга тегишли «Нексия» русумли автоуловдан «ДЭУ» магнитоласини ўғирлаб кетган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Қорақамиш даҳасида яшовчи А.У. ни С. Раҳимов тумани ИИБ ходимлари далилий ашё билан қўлга олишга эришдилар. Ўзгага тегишли матоҳни деб, умрининг маълум муддатини темир панжара ортида кечишига ўзи сабабчи бўлиб қолган бу кимса энди қилмишидан қаттиқ пушаймонда қолди.

● С. Раҳимов тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бир фирибгарликка чек қўйилди. «Беминнат» хизмат кўрсатмоқ ниятида, фуқаро М.С. дан «Ишга жойлаштириб қўяман» деб, 50000 сўм пулни олиб, аммо ваъдаларидан тонган бу фирибгар О.У., ҳозирда ушбу қилган қилмишидан ўзи ҳам пушаймон бўлиб ўтирибди. Ахир ҳар қандай ўйламасдан босилган қадам киши бошига фақатгина нохушликдан бўлак бошқа нарса келтирмайди, дейдилар.

● Бектемир тумани ҳудудидаги Қўйлиқ деҳқон бозоридаги кўприк тагидан ўтаётган С. Асфандиярова бўйнидан тилла занжирини бир номаълум шахс кутилмаганда, жуда эпчиллик билан юлиб қочганида ҳаяжондан нима қилишни ҳам билмасдан қотиб қолди. Талончининг қилган ушбу иши оқибатида бўйни тилиниб, оғриғидан азоб чеккан жабрланувчи милицияга хабар қилди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлардан сўнг жиноятчи Х.Т. эканлиги аниқланиб, далилий ашё билан қўлга олинди.

● Шайхонтоҳур тумани милиция ходимлари бир электр ҳисоблагич «ишқибозини» қўлга киритиб улгурган «ўлжаси» билан ушлашга муваффақ бўлишди. Ўғри ҳеч қаерда ишламасдан, шундай қинғирликларга ўрганган Р.Х. исмли кимса бўлиб чиқди ва энди қилмишига яраша жазосини олиши аниқ.

● Сирғали туман ИИБ навбатчилик қисмига шу туманда истиқомат қилувчи Т.У. томонидан ариза тушди. Маълум қилишича, унинг уйи ёнида турган «Икарус» русумли автобусдан 125000 сўмлик турли эҳтиёт қисмларини номаълум шахслар ўғирлаб кетган. Дарҳол тезкор гуруҳ аъзолари воқеа содир этилган жойда ҳозир бўлишди. Жиноятнинг ҳали совуб улгурмаган изларидан келиб чиқиб қилинган изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Ўғрилар, ҳали балоғат ёшига ҳам етмаган мактаб ўқувчилари А.Ш. билан М.З. экан. Ота-оналари, қавм-қариндошлари ва мактаби шаънига доғ туширган бу йигитчалар келгуси ҳаётлари учун ҳам ёшликнинг бу такрорланмас давридан улкан салбий из қолдиришди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Матбуот марказининг**
**жамоатчи мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказининг жамоаси марказнинг нур диагностикаси бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди А. И. Икрамовга волидалари

**Ноила Абдукаримовна ИКРАМОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказининг жамоаси марказнинг анестезиология бўлими врачи Б. М. Аскамовга волидалари

**Матлуба Турғуновна АКРАМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 209**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-3107. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 11.50 1 2 3 4 5 6